



ТАМБОВСКИЙ
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ
ИМЕНИ Г.Р. ДЕРЖАВИНА



“ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ”

халқаро илмий-амалий анжуман

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

(I-қисм)

(2021 йил 19-20 феврал)

Самарқанд - 2021

Хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида ривожлантириш муаммолари. / Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари (I қисм). 2021 йил 19-20 февраль кунлари. Самарқанд, СамИСИ, 2021. – 300 бет.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:

М.Қ.Пардаев – иқтисод фанлари доктори, профессор

Нашр учун масъуллар:

М.М.Мухаммедов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Ж.Р.Зайналов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

И.С.Тухлиев – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Н.А.Ибрагимов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

К.Б.Уразов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Б.И.Исроилов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Т.С.Шарипов – иқтисод фанлари номзоди, доцент,

А.Н.Холиқулов – иқтисод фанлари номзоди, доцент

Саҳифаловчи: Ҳилола Очилова

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида Хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида ривожлантириш муаммолари ва уларнинг ечимлари, соҳанинг алоҳида тармоқлари самарадорлигини ошириш истиқболларига оид масалалар ёритилган. Унда инновацион ва рақамли иқтисодиётнинг назарий ва методологик муаммолари ва уларни ҳал қилишнинг стратегик йўналишлари, аҳоли бандлиги, фаровонлиги, яшаш сифати ва турмуш даражасини ошириш масалалари, туризм соҳаси самарадорлигини ошириш механизмлари, ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда менежмент, маркетинг ҳамда инвестицияларнинг ўрни, молиявий муносабатлар, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика фанларини такомиллаштириш масалалари, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини оширишда рақобатбардош кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақола ва тезислар ўрин олган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, таянч докторантлар, докторантурада таҳсил олувчилар, мустақил изланувчилар ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2021

Б.Н. Навруз-Зода – Бухоро давлат университети профессори, и.ф.д.

ТУРИЗМ БИЗНЕСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕР МОДЕЛИ

Аннотация. Мақолада туризм соҳасида кластерлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилади ва ҳудудий туристик кластерини шакллантиришнинг муаллифлик модели тавсия этилади.

Калит сўзлари: туризм, туристик кластер, туристик кластерлаштириш, туристик дестинация, кластер ядроси, бизнес ҳамкорлари.

Аннотация. В статье рассматриваются особенности кластеризации в сфере туризма и рекомендуется авторская модель формирования регионального туристского кластера.

Ключевые слова: туризм, туристический кластер, кластеризация в туризме, туристская дестинация, ядро кластера, бизнес партнёры.

Abstract. The article discusses the features of clustering in the field of tourism and recommends the author's model of formation a regional tourism cluster.

Key words: tourism, tourism cluster, clustering of tourism, tourist destination, the core of the cluster, business partners.

Иқтисодий кластерларини ривожлантириш назариясининг асосчиси, Гарвард университети бизнес мактаби профессори Майкл Портер “мамлакат рақобатбардошлигига унинг алоҳида фирмалари рақобатбардошлиги билан эмас, балки турли соҳалардаги фирмаларини бирлашмаси сифатидаги *кластерларнинг* халқаро рақобатбардошлиги нуқтаи назаридан қараш керак”²¹, деб бежиз таъкидламаган. Чунки, бу фикрнинг амалий тасдиқи сифатида жаҳонда муваффақият билан фаолият кўрсатаётган кластерлар сони бўйича *энг яхши бешталикка* кирадиган мамлакатлари илғор тажрибаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, Франция - парфюмерия ва косметика ишлаб чиқаришга ихтисослашган 96 та кластерлари; Италия – сопол кафеллари ишлаб чиқаришига ихтисослашган 206 та кластерлари; АҚШ –дастурий таъминоти яратишга ихтисослашган 380 та кластерлари; Буюк Британия – биотехнологияларига ихтисослашган 168 та кластерлари ва Ҳиндистон – компьютер технологияларга ихтисослашган 106 та кластерлари билан тегишли маҳсулот турлари бўйича дунёда шухрат қозонганлигининг асосий сабаби, ушбу мамлакатларда ихтисослашган инновацион кластерларининг самарали амал қилиб келаётганлиги билан чамбарчас боғлиқлигидадир²².

Ўзбекистонда ҳам туристик хизматлар кўрсатишга ихтисослашган кластерларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг инновацион технологиясини ўзлаштира олган тақдирда миллий туристик маҳсулотлари

²¹Майкл Портер. Конкурентное преимущество: Как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость. <https://e-libra.ru/read/505455-konkurentnoe-preimuschestvo-kak-dostich-vysokogo-rezul-tata-i-obespechit-ego-ustoychivost.html> [15.01.2020].

²² Кластеры в современном мире: рейтинг самых развитых стран. <https://yandex.uz/turbo?text=https%3A%2F%2Fppt.ru%2Fnews%2F134649> [15.02.2020]

билан жаҳон туристик хизматлар бозорида муваффақиятга эришиб, мамлакатимизни халқаро сайёҳлик марказига айлантириш имкони ошади.


Туризмда кластерлаштириш – бу туризм соҳасида бир-бири билан занжирсимон боғланган хизмат кўрсатувчи субъектлари фаолиятини самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш мақсади ҳудудий жиҳатдан яқин жойда тўпланиш жараёнидир. Туристтик кластерларни шакллантириш деганда, биз туристларнинг кўзлаган сайёҳат мақсадларига биноан уларнинг сайёҳлик эҳтиёжларини қондира оладиган, инфра- ва инфотузилмага эга бўлган, мосланувчан туристик таклиф тизими билан характерланадиган *стратегик тижорат бирлиги* сифатидаги туристик кластерларни ташкил этиш жараёнини тушунамиз. Туристтик кластерлаштиришдан асосий мақсад – сайёҳлик талаб ва таклифнинг уйғун бирлигини маркетинг усулида бошқариш тизимини яратиш ҳамда шакллантирадиган жозибатор туристик кластерларнинг рақобат устунлигини оширишдадир.

Туристтик кластерлаштириш жараёнини амалга ошириш учун дастлаб сайёҳат мақсадини аниқлаб, кластерга кирадиган объектларини танлаб олиш керак бўлади. Сўнгра, туристик кластерларни шакллантирувчи асосий омилларини таҳлил қилиш ва кластерлаштиришнинг асосий тамойилларини асослаш лозим. Ниҳоятда, туристик кластерлаштиришнинг мезонларини ишлаб чиқилган ҳолда жозибали туристик кластерлари яратилади.

Кластерларни яратишда ҳамкорларни кластер тузилмасига ихтиёрий қатнашиш, кластер тизимидаги тадбиркорлик субъектлари ўз-ўзини ташкил этиш, бизнес ҳамкорлари ўртасида вертикал ва горизонтал алоқаларини оқилона нисбатини ўрната олиш, ички рақобат ва инновацион ривожланиш каби тамойилларга риоя қилиш талаб этилади.

Туризм соҳасида кластерларни шакллантирувчи муҳим аломат сифатида кластерга биршлаштириш ниятидаги хизмат кўрсатувчи субъектларнинг “географик яқинлиги” хизмат қилади. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) тавсиясига кўра кластерга киритиладиган корхоналар бир-биридан 200 км.дан узоқ радиусда жойлашмаган бўлиши кераклиги алоҳида таъкидланиб ўтилган²³. Шунинг учун, туристик кластерларини ташкил этишда туристик дестинацияларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда “туристик дестинация” деганда, сайёҳат мақсадини амалга оширадиган туристик ҳудуд назарда тутилади. Бундай ҳудудлар потенциал сайёҳлар томонидан шакллантирилади ва туристик кластерининг пойдевори сифатида хизмат қилади (1-расм).

Айнан туристик дестинациялар негизида кластер ядроси шакллантирилади ва у туроператор ва турагентлар, жойлаштириш объектлар, овқатланиш масканлар, ҳолдиқ чиқариш ва кўнгилочар жойлар, совға дўконлар, маиший хизмат уйи, транспорт корхонаси ва бошқа туризм тадбиркорлик субъектларидан таркиб топади.



1-расм. Туристтик кластернинг тузилиши¹

Туристтик кластернинг учинчи қатламидаги тузилма – бизнес ҳамкорлар ҳисобланади. Кластер доирасида банк-молия, таълим, инновация ва инвестицияларни ривожлантириш, хавсизлик ва соғлиқни таъминлаш информацион ахборот технологияларини қўллаш билан боғлиқ тадбиркорлик субъектлари ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатадилар.

Шундай қилиб, Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг иқтисодиёт соҳаларида кластер усулидан фойдаланиш ғоясини туризм соҳасида кенг қўламда қўллаш эвазига, ушбу соҳани Ўзбекистон иқтисодиётининг драйверига айлантириш имкони янада кенгаяди.

¹ Манба: муаллиф ишланмаси.